

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ДАЙКОН
(RAPHANUSSATIVUS SUBSP. ACANTHIFORMIS) ЎСИМЛИГИНИ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА БИОЛОГИК НАТИЖАЛАРИ**

М.Т. Аллашова

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалик ва
агротехнологиялар институты магистранти
Илимий рахбар. а/х.и.д. Б.Б.Жоллыбеков*

Аннотация: Ушбу мақолада қорақалпоғистон шароитида дайкон усимлиғни етиштириш технологияси хақида қисқача айтилган.

Калит сўзлар: Инсон саломатлиғи, узок умр, даража, табиий.

Кириш: Инсон саломатлиғи ва узок умр қуриш даражаси туғри овқатланиш ва эстемол қилинадиган озиқ овқат сифатиға боғлиқ. Сунги пайтларда мамлакатимиз аҳолисининг ноананавий савзovat экинларига булган талаби кескин ортиб бормоқда. Бизға аввалдан маълум бўлган интродукция ёки иқлимлаштириш жараёнлари ва уни амалға ошириш табиий флоранинг хар хиллилигин тўлдириш интродукция асосида сабзавот ўсимликлари ассортиментини кенгайтириш, одамларнинг овқатланишини диверфикация қилиш, янги сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш ва муддатини ўзайтириш, экин майдонларидан олинадиган ҳосилни ошириш имконини беради.[1] Илмий ишимизнинг асосий мақсади Дайкон- ўсимлиғини етиштириш ва қишлоқ хўжалиғи полиз экини сифатида ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Тажрибанинг актуаллиғи ва унинг фойдали хусусиятлари.

Дайкон- (*Raphanussativus subsp. acanthiformis*) полиз экини ҳисобланиб ватани Шарқий Осиё мамлақати ҳисобланади. Япон тилида «ката илдиз» маъносини билдиради. Дайкон илдиз мева сифатида Японияда 1000 йилдан буен етиштириб келинмоқда. Дайкон меваси В1, В2, РР, К витаминларға ва калий, кальций минералларига жуда бой ва иммунитетни тиклашда ва қант касаллиғига чалинишнинг олдини олишда катта аҳамиятға эға. Дайкон паст калорияли сабзавот экинларига киради.[2] Такидлашича дайкон углеводлар манбайи булиб асосан паст калорияли булганилиғи учун диабет билан оғриган беморлар ва семириб кетканлар учун фойдалидир. Бу сабзovat экини ҳар қандай шароитда ҳам эстемол қилинади ва унинг хом холида ҳам таънаға катта фойдаси бор. Бу таънани захарли токсинлардан ва ҳар хил зарарли нарсалардан тозалашға ёрдам беради. Японлар асосийси инсон организмидаги тургун ёғни олиб ташлашға ёрдам беради деб таъкидлайдилар. Уни хом ва қайта ишланган ҳолда эстемол қилинса овқат хазм бўлишини осонлаштиради. Шунинг учун ҳам пархез

сифатида катта аҳамиятга эга, булиб унинг таркибидаги пектин калций ва эфир ёғлари буйрак ва жигарни тозалаш буйрактаги тошларни эритиш хусусиятига эга. Дайкон ўсимлигида бактерияларни ўлдирувчи ва организмни инфекциялардан химояловчи фитонцидларга эга. Ҳар куни дайкон эстемол қилиш тумовнинг олдини олишда ва бронхиал астмани даволашда катта аҳамиятга эга. Кунига битта ош қошиқда дайкон шарбатини истемол қилиш буйраклар ошқозон ости беши ва жигар ишини енгиллаштиради ва таънадан тошларни тушириш хусусиятига эга.[3]

Тадқиқот объекти ва методикаси:

Дайкон илдиз мевали полиз экини булиб, барглари катта ва ийрик меваси катта конус шаклида бўлади. Унинг тез пишар навлари 60-70 кун ичида тулик етилади. Маълум булишича дайкон махсус ўсиш шароитларини талаб қилмайди. У мамлакатимизнинг ҳар қандай минтақасида ўзини яхши хис қилади. Ўсимлик совуққа чидамли ва табиӣ еруғликни яхши куради ва шунинг учун ҳам у узок кун ўсимлиги хисобланади. Ўсимлик 3°C та униб чиқади, меваси ва барглари -4°C совуққа чидамли. Ўсиб ривожланиши учун оптимал температура 15-25°C. Ўсимликнинг илдиз меваларининг узунлиги 35-60см атрофида булиб вазни 600 граммнан бир неччи килограммгача етади.

Адабиётлар маълумотларида дайкон етиштиришда чириндига бой булган тупрокларда, энига 1 метрли ариқларда икки қаторга (қатор ораси 70 см) уруғни 2-3 см чуқурликда экиш мумкин. Униб чиққан кучатларини 20-25 см оралиғида сийраклаштириб, суўгориш режими тўлиги билан тупрок намлигин сақлаш билан боғлиқ эканлиги курсатилади ва ўсимликнинг ер усти булими (биомассаси) чорвачиликда ем-хашак сифатида катта аҳамиятга эга.[4] Ички бозор учун етиштириладиган бошқа полиз экинларига солиштирганда дайкон янги ўсимлик булганлиги сабабли, бу якка хўжаликларда, уй енидаги таморкаларда етиштирса булади.

Тадқиқот натижалари:

Қорақалпоғистон шароитида ийл давомида 2 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд булиб, оптимал экин экиш даври март-май ва сентябрь-ноябрь ойларига туғри келади. Изланиш натижалари буйича дайконнинг 3хил нави Вақамия 2(гибрид), Ниппон Супер ва Дайкон баҳорги (гибрид) институтимиз экин майдонида тажрибалар олиб борилди. Тажрийбада усимликни уругидан экиш усуллари ўрганилди. Дайкон аслида очик жойларда етиштирилади ва бунда уруғни 60x25 схемада экканда ўсимликнинг ўсиш даражаси юқори даражада эканлиги маълум булди. Бунда ўсимлик буйининг баланлиги (77.5 см), илдиз мевасининг узунлиги(58.0 см)ва мевасининг вазни (1.4 кг)булиб бошқа вариантларга солиштирганда юқори. Бу буйича унумдорликни пасттаги жадвалда куришимиз мумкин.

**Институтимиз енидаги тажрийба майдонидан олинган маълумот.
Дайкон- (Raphanussativus subsp. acanthiformis)**

Навлар	Мева узунлиги (см)	Диаметри (см)	Вазни(гр)	Уруг униб чиқиш даражаси.
Вакамия 2 (гибрид)	51.2	11.5	1.201	97-100%
Ниппон Супер	37.1	8.5	698	95-100%
Дайкон весенний (гибрид)	58.0	10.5	1.459	90-100%

Хулоса:

Дайкон турп япон селекционелари ердамида ишлаб чиқилган ажойиб экин булиб бу узок вақтлардан асосий озик овқат сифатида фойдаланилган ва асосий пархезбоп усимлик ҳисобланади. Изланишлар натижаларига суянган ҳолда дайкон илдиз мевали полиз экини сифатида Қорақалпоғистоннинг иқлим ва тупрок шароитида белгиланган даражада ҳосил олиш имконияти бор эканлигини курсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дементьева.Е.В Автореферат Агротехнологические приемы выращивания Дайкона и редьки-лобы в условиях нижнего повалжья. 2011г стр 1-5
2. Бунин М.С. Монография. Интродукция Дайкона в Нечериоземье. 1994г стр 24-26
3. Анулов О.В. Физиология растения. 1995г стр135-137
4. Акрамов У.И. Дайкон илдизмеваси сакланишига азотли уғитлар меъёри ва муддати. 2007й. АГРОИЛМ. Ташкент. 22-246
5. <https://dacha.help/ovoshchi/korneplodyi/daykon-vyirashhivanie-i-uhod-v-otkryitom-grunte>
6. <https://earthpapers.net/preview/23328/d/?#?page=1>

Катнашувчи анкетаси.

Ф.И.Ш	Аллашова Мехрибану Торениязовна
Йуналиши	Усимликшунослик
Тезис номи	ҚОРАҚАЛПОГИСТОН ШАРОИТИДА ДАЙКОН(Raphanussativus subsp. acanthiformis) ЕТИШТИРИШНИНГ БИОЛОГИК НАТИЖАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ
Уқиш урни ва манзили	Қорақалпоғистон қишлоқ хужалиги ва агротехнологиялар институти
Лавозими	2-курс магистрант
Телеграмм яки телефон рақами	90 5776886